

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 20 апрель
сешанба
№ 16 (1272)

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар



“TASHKENT LAW SPRING” II Халқаро юридик форумида

иштирок этадиган хорижий
давлатлар адлия вазирлари

2021 йил 22-23 апрель Тошкент шаҳри

“TASHKENT LAW SPRING” II Халқаро юридик форуми АВВАЛГИСИДАН ФАРҚЛИ ЖИҲАТИ, МАҚСАДИ ВА ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНЛАРИ...

2021 ЙИЛНИНГ 22-23 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Марказий Осиё юриспруденция соҳасидаги йирик халқаро тадбир “Tashkent Law Spring” II Халқаро юридик форуми бўлиб ўтади. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳамкор ташкилотлар иштирокида иккинчи мартаба ташкил этилмоқда. Ҳозирда форумга қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Биз Халқаро форумга оид тафсилотлар ҳақида Адлия вазирлиги ўринбосари Худоев МЕЛИЕВ билан суҳбатлашдик.

— Худоев ака, суҳбатимизни ҳуқуқ соҳасидаги мазкур халқаро форумга эҳтиёж ва унинг мақсадлари ҳақида маълумот бериш билан бошласак.

— Ҳуқуқ соҳаси ҳам бошқа соҳалар каби тобора такомиллашиб бормоқда. Қолаверса, инсон эҳтиёжлари мавжуд экан, ҳуқуққа эҳтиёж бор. Унинг халқаро стандартлардан орта қолмасдан ривожланиши муҳим ҳисобланади. Форумнинг мақсади — ҳуқуқни ривожлантириш муаммолари ва замонавий тенденцияларини муҳокама қилиш учун етакчи халқаро ва маҳаллий экспертларни жамлаган ҳолда очиқ мулоқот майдончасини яратиш, шунингдек, халқаро ҳуқуқ ҳамжамиятини Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ҳуқуқий ислохотлардан хабардор қилишдан иборат.



КАСИВИСВАНАТАН ШАНМУГАМ
Сингапур Республикаси
адлия вазири



КОНСТАНТИН АНАТОЛЬЕВИЧ ЧУЙЧЕНКО
Россия Федерацияси
адлия вазири



ЛОРД ДЭВИД ВОЛЬФСОН
Буюк Британия
адлия вазири



ЁКО КАМИКАВА
Япония
Адлия вазири



ЛИ КАНГ-СЕОП
Корея Республикаси
ҳукумат
қонунчилиги вазири



МАРАТ БЕКЕТАЕВ
Қозғистон
Республикаси
адлия вазири



ФИКРАТ ФАРРУХ ЎҒЛИ МАММАДОВ
Озарбайжон
Республикаси
адлия вазири



ОЛЕГ СЛИЖЕВСКИЙ
Беларусь Республикаси
адлия вазири



АЛИ САБРИ
Шри-Ланка
адлия вазири

tashkentlawspring.uz @tashkentls (+99871) 268-28-43

4-БЕТ

“TASHKENT LAW SPRING”

II Халқаро юридик форуми



Джианни БУККИКИО,

Хуқуқ орқали Демократия учун Европа Кенгаши (Венеция комиссияси) вице-президенти

Буккикио Бари университетининг ҳуқуқшунослик доктори илмий даражасига эга.

У 1971 йилда Европа Кенгашига аъзо бўлган. Касбий фаолияти давомида (1971-2009) маъмурий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ, одамларнинг эркин ҳаракатланиши, маълумотларни ҳимоя қилиш ва бошқалар билан шуғулланадиган бир қатор ҳуқуматлараро қўмиталарда фаолият юритган.

Шунингдек, Европа адлия вазирларининг конференциялари ва Европа Кенгашининг ҳуқуқий маслаҳатчиси ва шартнома идораси учун масъул бўлган.

2009 йил охирида у Венеция Комиссиясининг Президенти этиб сайланди. 2011, 2013, 2015, 2017 ва 2019 йилларда Венеция Комиссиясига қайта Президент этиб сайланган.

Спикер халқаро форумнинг очилиш маросимида иштирок этади.



Паула ХОДЖЕС,

Адвокат. Лондон халқаро арбитраж суди президенти

Паула Ходжес — 30 йиллик тажрибага эга. Паула хоним, халқаро низолар, хусусан, энергетика, телекоммуникация ва технология соҳаларида кўплаб миջозларига маслаҳат беради.

Паула хоним Лондонда яшайди. У халқаро арбитраж соҳасига ихтисослашган бўлиб, Африка, Осиё, Австралия, Канада, Франция, Россия ва МДХ, Швеция, Швейцария, Буюк Британия ва АҚШ каби кўплаб давлатларнинг юрисдикцияларида арбитраж муҳокамаларида иштирок этиб, миջозларга ёрдам берган.

У халқаро арбитражда ўзига хос ўринга эга. 2019 йилда у LCIA президенти этиб тайинланган. Шунингдек, Паула хоним ICC, BIICL, IDRC, ASA, ILA ва Энергетика институти аъзоси.

У Лондоннинг кўплаб машҳур суд жараёнларида қатнашган. Шунингдек, апелляция судларида ҳам фаол иштирок этган.

Спикер халқаро форумнинг “Коронавирус чекловлари даврида медиация ва арбитраж ишлари”, деб номланган 5-сессиясида иштирок этади.



Роберт БАКЛЕНД,

Лорд-канцлер ва Буюк Британиянинг адлия бўйича давлат котиби

Роберт Иннес юридик факультетида ўқиган. Ва шу ерда Адвокатлик муқофоти лауреати бўлган.

2010 йилда Адлия саралаш қўмитасига сайланган.

2014 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича қўшма қўмилада хизмат қилган.

2014-2019 йилларда Англия ва Уэлснинг умумий адвокати бўлиб ишлаган. 2019 йилнинг июлидан ҳозиргача адлия бўйича давлат котиби ва лорд-канцлери ҳисобланади.

2013 йил январь ойида Robert Grassroots Diplomat Policy Driver муқофотига сазовор бўлган.

Спикер халқаро форумнинг очилиш маросимида иштирок этади.



Дарен ТАНГ,

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бош директори

Жаноб Дарен Танг — 2020 йил 1 октябрдан БИМТ бош директори вазифасини бажаришга киришган.

БИМТ Бош директорлигига қадар жаноб Танг Сингапур интеллектуал мулк идораси раҳбари бўлган. Шу билан бирга 2017 йил май ойидан бошлаб бош директор бўлгунгача Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича доимий қўмитанинг (ПКАП) раиси вазифасини ҳам бажарган.

Спикер халқаро форумнинг очилиш маросимида иштирок этади.



Клаудио ВИСКО,

Халқаро адвокатлар ассоциацияси бош котиби

Жаноб Клаудио Вашингтондаги Жоржтаун университети юридик факультетида Америка ҳуқуқшунослик бошланғич босқичини тугатган (1982) ва 1983 йилда Мичиган университети юридик факультетида ҳуқуқ магистри даражасини (LL.M.) олган.

1983 йилда адвокатлар ҳайъатига қабул қилинган. 2005 йилдан Халқаро Адвокатлар Ассоциацияси ва ВИС сиёсий қўмитаси аъзоси. Ҳозирда у адвокатлик масалалари бўйича комиссиянинг вице-президенти.

Спикер Форумнинг “Сиёсатни амалга ошириш”, деб номланган 8-сессиясида иштирок этади.

“TASHKENT LAW SPRING”

II Халқаро юридик форуми



Сума ЧАКРАБАРТИ,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ривожланиш, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси

Сума Чакрабарти ўрта таълимни Лондон мактабида, бакалавр даражасини Оксфордда, магистратурани эса Сассекс университетиде олган.

Чакрабарти 1984 йилда Буюк Британиянинг чет элдаги ривожланиш бошқармасига катта иқтисодий ёрдамчи сифатида қўшилган ва Британия макроиқтисодиёти масалалари билан шуғулланган. 1980 йилда Британия ҳукумати томонидан Жаҳон банкининг Халқаро валюта жамғармасига йўналтирилган. 1996 йилда у қироллик газнасига ўтган, шундан кейин Вазирлар Маҳкамаси таркибида фаолият юритган.

2012-2020 йиллар давомида Чакрабарти Европа тараққиёт ва тикланиш банки президенти этиб сайланган.

2020 йил июль ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фармонига кўра, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг собиқ президенти Сума Чакрабарти “Дўстлик” ордени билан мукофотланган.

Спикер юридик форумнинг “Умумий (инглиз) ҳуқуқ тизимининг хусусиятлари”, деб номланган 6-сессиясида иштирок этади.



Сэнди ОКОРО,

Жаҳон банки гуруҳининг катта вице-президенти, Бош маслаҳатчиси ва Жаҳон банкининг мувофиқлик бўйича вице-президенти

У Жаҳон банкининг ирқчиликка қарши ишчи гуруҳи раиси. Сэнди ривожланиш бўйича дунёдаги етакчи молия ташкилотининг бош маслаҳатчиси ва қонуний вакили. У вице-президентнинг юридик бўлимини бошқаради. У ерда ривожланиш бўйича халқаро ҳуқуқ экспертлари Жаҳон банкининг фаолияти учун зарур бўлган юридик хизматларни кўрсатади. Сэнди, шунингдек, Жаҳон банки гуруҳининг махфийлик сиёсатида асосланган Жаҳон банкининг маълумотлар махфийлик тизимини ишлаб чиқиш ва назорат қилиш учун масъул бўлган вице-президентдир.

Жаҳон банкига қўшилишидан олдин Сэнди HSBC Global Asset

Managementнинг бош юрисконсулти, HSBCнинг чакана банк ва бойлиқни бошқариш бўйича бош юрисконсулти ва Baringsда глобал бош юрисконсулт бўлган. Financial Times нашрининг энг яхши 20 та глобал бош маслаҳатчиси (2019) ва Powerlist (2018) томонидан Африка ва Афро-Кариб денгизи меросининг 5 та энг буюк инглиз таъсир кўрсатувчиси сифатида тан олинган.

Лондон Сити университетининг ҳуқуқшунослик бўйича фахрий докторлик унвонига эга (2014). У Лондон университети (2014), Лондоннинг Саутбэнк университети (2018) ва Англиянинг Бирмингем университетларида (2019) фахрий докторлик унвонига эга.



Диего ГАРСИЯ-САЯН,

Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича БМТнинг махсус спикери

Диего Гарсия-Саян 2016 йилнинг декабрида судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича махсус спикер этиб тайинланган. Гарсия-Саян инсон ҳуқуқлари бўйича Америкаларо судида кетма-кет икки муддат судья бўлиб ишлаган. Фаолияти давомида у суд раиси ўринбосари (2008-2009) ва суд раиси сифатида кетма-кет икки муддатга (2009-2013) сайланган.

Гарсия-Саян БМТ ва Америка давлатлари ташкилотлари вакили сифатида катта тажрибага эга. БМТ Бош қотибининг Салвадордаги тинчлик шартномалари бўйича вакили; БМТнинг мажбурий ёки ғайририхтирий йўқолишлар бўйича ишчи гуруҳи

аъзоси ва раиси; 2006 йилда БМТ Бош қотиби томонидан тайинланган Адлия гуруҳи, маъмуриятининг БМТ тизими аъзоси; Умумий сайловларда Гватемалада Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) сайлов миссияси раҳбари (2007).

Гарсия-Саян Перуда адлия вазири ва ташқи ишлар вазири лавозимларида фаолият юритган. Шунингдек, у 2015 йил декабрда Перуда очилган Хотира, бағрикенглик ва ижтимоий қўшилиш музейини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш бўйича юқори даражадаги комиссия президенти бўлган.

У халқаро ҳуқуқ ва тараққиётга оид бир нечта китоблар муаллифи.



Дарон АЖЕМОГЛУ,

Сиёсий иқтисодга оид изланишлари билан машҳур, сўнги 10 йил ичида энг кўп зикр қилинган иқтисодчи, юзлаб асарлар муаллифи

Дунёга машҳур бестселлерлар — “Нега халқлар муваффақиятсизликка учрайди: куч-қудрат, фаровонлик ва қашшоқликнинг келиб чиқиши” (“Why Nations Fail: The Origins of Power, Prosperity, and Poverty”), “Топ йўлак” (“The Narrow Corridor”) сингари асарлар муаллифи.

Энг нуфузли ўқув юртиларидан бири Массачусетс технология институти профессори.

АҚШ миллий фанлар академияси аъзоси.

Халқаро юридик форумнинг 8-сессияси — “Сиёсатни амалга ошириш” (Policy implementation)да иштирок этади.

“TASHKENT LAW SPRING” II ХАЛҚАРО ЮРИДИК ФОРУМИ

аввалгисидан фарқли жиҳати, мақсади ва тайёргарлик жараёнлари...

Давоми. Бошлонғи 1-бетда

“Tashkent Law Spring” — Янги Ўзбекистонни бутун дунёга танитиш учун яна бир имкониятдир, шунингдек, тажрибали экспертлар иштирокидаги жонли муҳокама-лар орқали муаммоли масалаларга ечимлар топиш, соҳалардаги илгор ютуқлар буйича тажриба алмашиш майдони ҳамдир. Таъкидлаш жоиз, тadbир доирасида нуфузли хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик амалга оширилади.

— Форумнинг Бош мавзуси: Хуқуқ 4.0. (Хуқуқ тўртинчи санoат инқилоби дaврида). Нима учун бундай бош мавзу танланди? Ва форумнинг аввалгисидан фарқли жиҳати нимада?

— Форумнинг аввалгисидан фарқли жиҳати бош мавзу айнан Хуқуқ 4.0. деб танланганидaдир. Шунингдек, бугунги эпидемиологик вазиятни ҳисобга олган ҳолда форум асосан видеоанжуман шаклида ташкил этилади.

Бугунги кунда тўртинчи санoат инқилоби дунёни ўзгaртирмоқда. Сунъий ақл, блокчейн, нано-технологиялар жамият ҳаётига кириб келмоқда. Рақамли муносабатларни хуқуқий тартибга солиш жараёнида қонунлар ҳам ўзига хос шаклда ривожлaнaди. Шу тариқа юзaга келадиган мутлақо ўзига хос ижтимоий муносабатларни хуқуқий тaъминлаш зарурияти пайдо бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш кераки, рекрутинг компаниялари экспертлари фикрига кўра, 2025

йилга қадар юристлар бошқабир қатор таникли касб вакиллари сингари аънoанaвий шаклда фаолият юриштини деярли тўхта-тадилар. Британиялик тадқиқотчиларнинг: “Хуқуқий касбнинг келажаги” (The Law Society, Англия ва Уэлснинг адвокатлар ассоциацияси, 2016) ҳисоботида юридик соҳада ҳам ҳамма дуч келадиган янги тушунчалар пайдо бўлганлиги таъкидланган. Тўртинчи санoат инқилоби даврида вужудга келган IT технология, “big data”, “онлайн судлов” каби янги тушунчалар мамлакат хуқуқ тизимига сезиларли таъсир қилади.

Тўртинчи санoат инқилоби барча соҳалар каби хуқуқ оламига ҳам ўз таъсирини ўтказади ва Ўзбекистон хуқуқ тизими янги қақирқларга тайёр бўлиши лозим.

— Аввалги форумнинг аҳамияти қандай бўлган? У ўз мақсадида қанчалик эришган?

— “Tashkent Law Spring” Халқаро юридик форуми илк мартаба 2019 йилнинг апрель ойида ташкил этилган эди. Унда 1 200 нафардан ортиқ хуқуқшунос ва бошқабир мутахассислари иштирок этган эди. Форум доирасида 12 та ҳамкорлик бўйича битим ва меморандумлар имзоланди. Нуфузли делегация раҳбарлари билан Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Ташқи ишлар вазирлиги, Адвокатлар палатасида 30 дан ортиқ учрашувлар ташкил этилди. Уларда ўзаро ҳамкор-

ликни мустақамлаш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

— Форумда Буюк Британия, Сингапур, Япония адлия вазирлари ҳам иштирок этар экан. Яна хорижий спикерлардан кимлар иштирок этади?

— Форумда бир қатор хорижий мамлакатларнинг адлия вазирлари, суд ва бошқабир давлат органлари раҳбарлари, халқаро ташкилотлар, дунёнинг етакчи юридик ва консалтинг фирмалари вакиллари, адвокатлар, юриспруденция, иқтисодиёт соҳаларидаги таникли олимлар, мутахассислар ва экспертларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

Форумнинг тантанали очилиш маросимида бир қатор давлат ва сиёсат арбоблари, таникли мутахассислар, шу жумладан, Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти бош директори Дарен Танг, Венеция комиссияси президенти Джанни Букиккио, Жаҳон банки гуруҳи вице-президенти Санди Окоро, Корея Хукумат қонунчилиги вазири Ли Канг-Сеуп ва яна кўплаб тажрибали спикерлар иштирок этади.

— Форумнинг мунозара сессиялари, давра суҳбатлари мавзуси ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Форум мунозара сессияларида:

- тўртинчи санoат инқилоби шароитида давлат хуқуқий сиёсати;
- Legal Tech ва Law Tech;



- тартибга солиш таъсирини баҳолаш ва коррупцияга қарши экспертиза;
- давлат органлари очикчилиги таъминлашда рақамли имкониятлар;
- коронавирус чекловлари даврида медиацация ва арбитраж;
- умумий (инглиз) хуқуқ тизимининг хусусиятлари;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш;
- сиёсатни амалга ошириш (Policy implementation);
- рақамли даврда суд ҳокимиятининг мустақиллиги каби масалалар муҳокама марказида бўлади.

Шунингдек, Форум давомида “Давлат хизматлари соҳасида илгор амалиёт”, “Рақамли муҳитда хуқуқий ахборот тарқатиш истиқболлари”, “Электрон нотариат”, “Адвокатури ривож-

лантириш ҳамда фуқаролик жамиятини тақомиллаштириш” мавзуларида давра суҳбатлари ташкил этилади.

“Маълумотлар ва ахборотни бошқариш” мавзусида мастер-класс бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Хуқуқ соҳасидаги хориж тажрибасига эга бўлмоқчи бўлган барча мутахассисларни форумга таклиф қилами.

— Мазмунли суҳбатингиз ва маълумотлар учун ташаккур.

Дилфуза ЭРГАШЕВА
суҳбатлашди.

P/S Эслатиб ўтамиз: Форум ҳақида батафсил маълумотни <http://tashkentlawspring.uz> сайти ёки Адлия вазирлиги ҳузурдаги Хуқуқий сиёсат тадқиқот институтининг (+99871) 268-28-41, (+99871) 268-28-43 телефони рақамлари орқали олиш мумкин.

ПРЕЗИДЕНТ администрацияси ҳузурдаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Адлия вазирлиги томонидан матбуот анжумани ташкил этилди.

ФОРУМГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Мазкур тадбир “Тошкент хуқуқ баҳори” (Tashkent Law Spring) II Халқаро юридик форумини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнларини тушунтиришга бағишланди. Унда Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Севара Ўринбоева, вазирлик қошидаги “Адолат” миллий хуқуқий ахборот маркази директори Фурқат Тожиев ва Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги Нусратилло Парпихўжаевнинг форумдан кўзланган мақсад ва режалар, муҳокама этиладиган масалалар, маърузачилар ва чет эллик мутахассисларнинг иштироки, юридик форум жараёнларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши ҳамда маҳаллий эксперт ва иштирокчиларни рўйхатдан ўтказишга оид маърузалари тингланди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири



ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ИНСТИТУТИ СУДЛАР МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТЎЛАҚОНЛИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

МАЪЛУМКИ, Президентимизнинг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва одил судлов самардорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармониغا биноан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгaртиш ва қўшимчалар киритилиб, жорий йилнинг 1 январидан эътиборан судларда дастлабки эшитув институти жорий этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, дастлабки эшитув — суриштирув ва дастлабки тергов органлари фаолияти устидан бевосита суд назорати шаклларида бири ҳисобланади. У тортишув принципи асосида амалга ошириладиган процессуал жараёндир. Яъни, қонунчиликка киритилган ўзгaртишга мувофиқ, у судларда ишларни кўришда инсон хуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг баҳслаша олиш тамойил-лини амалда рўёбга чиқаришга қаратилган. Мазкур институтнинг жорий этилганлиги судга келиб тушган жиноят ишларини судда кўриш учун тайинлаш босқичида тарафларнинг дастлабки эшитувларида иштирок этиш имконини яратади. Бунга қадар ушбу босқичда тарафлар иштироки чеклангани сабабли мазкур жараёнда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим масалаларни (масалан, ишни тугатиш ёки тўхтатиш) судья яқка тартибда ҳал этишга мажбур эди. Оқибатда, судья чекланган маълумотга эга бўлганлиги учун бундай масала-

лар ҳал этилмасдан қолган ва асосий босқич — умумий суд мажлисига барча иштирокчилар чақирилиб, фуқароларнинг сарсон бўлишига олиб келган. Эндиликда бу каби муаммолар бартараф этилди. Бундан буён судья жиноят ишини қабул қилиб олгач, ишни судловга тегишлилигига кўра ўтказиш, ишни судда кўриш учун тайинлаш ҳамда дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги ажримлардан бирини қабул қилади. Жиноят иши бўйича иш юриштини тўхтатиб туриш, жиноят иши бўйича иш юриштини тугатиш, жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов хулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш, Жиноят-процессуал кодексидан назарда тутилган ҳолларда жиноят ишларини бирлаштириш ва номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида тарафлардан бирининг илтимоси мавжуд бўлса, ушбу далилларни чиқариб ташлаш кабилар дастлабки эшитувни ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз навбатида, ҳақли савол туғилади: дастлабки эшитувнинг суд учун қандай афзаллиқлари ва ижобий таъсири бор? Таъкидлаш ўринлики, жиноят ишини судда ҳар томонлама ва ҳолисона кўрилишига тўсқинлик қилувчи ҳолатларни бартараф этиш масъулияти судьянинг зиммасида бўлса-да, лекин уни амалга ошириш учун реал вақолати йўқлиги сабабли жиноят ишининг нуқсонларини кўра бил тауриб суд муҳокама-сига ўтказиш мажбуриятдан озод бўлади.

Хулоса ўрнида айтганда, айни янги институт жиноят ишини умумий асосларда кўришга монелик қилаётган сабабларни тезкор бартараф этиш имкониятини берувчи қарорлар қабул қилиш жараёнида тарафларнинг тортишувни принципга сўзсиз риоя этилишига, суд муҳокамаси чоғида фақат мақбул далиллардан фойдаланиш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Хуршид СОДИКОВ,
жиноят ишлари бўйича Олмасор туман суди судьяси

АДЛИЯ ОДАМЛАР ОРАСИДА



ФУҚАРО ҰБозоров Ұзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ромитан туман Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонасига тадбиркорлик фаолияти учун аукцион савдоларидан ер участкаси ютиб олганлигини, бироқ, бу жой икки йилдан буён берилмасдан, унинг судма-суд овоза бўлиб юришига сабаб бўлаётганлигини маълум қилиб, муаммони ижобий ҳал этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган.

ҲОКИМ ҚАРОРИ ҲАЛҚУМДАН ОЛИШИ КЕРАКМИ?!

Мазкур мурожаат Ромитан туман адлия бўлими томонидан ўрганилганда, Ұ.Бозоров ҳақиқатан ҳам 2018 йилда туман хокимининг тегишли қарорларига асосан “E-rjo aukcion” ягона электрон савдо майдончасида 0,03 га ва 0,03 га ер участкаси бўйича ўтказилган электрон-онлайн аукционда қатнашиб, ғолиб бўлганлиги ва туман хокимининг қарорига мувофиқ фуқарога ушбу ер участкасига “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш” биноларини куриб, доимий фойдаланиш учун ажратиб берилиши лозимлиги кўрсатилган.

Мазкур фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, улар мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозимлиги белгиланган. Юқоридагиларга асосан Ромитан туман адлия бўлими томонидан фуқаро манфаатини кўзлаб, қилинган харажатлар ва маънавий зарар ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судига даъво ариза киритилиб, суднинг тегишли хал қилув қарорига асосан жавобгарлар Ромитан туман хокимининг ва Бухоро вилояти “Ермулккадастр” ДК Ромитан туман филиалидан солидар тартибда 7 миллион 500 минг сўм моддий зарар ва 1 миллион сўм маънавий зарар ундирилиши белгиланди.

Ҳамол РАЖАБОВ,
Ромитан туман адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

**Оиланинг ёлғиз
боқувчиси
ишдан бўшади.
Аммо...**

ТОШКЕНТ шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаро М.Дониеванинг Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси томонидан ишдан бўшатирилганлигидан норози бўлиб, Адлия вазирлигининг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганилди.

Ўрганиш жараёнида фуқаро М.Дониева ҳақиқатан ҳам 2002 йил 30 октябрдаги буйруқ билан клиникага бир ставка ҳисобчи лавозимига ишга қабул қилиниб, меҳнат шартномаси расмийлаштирилган. 2011 йил 28 июлдаги буйруққа биноан унга клиниканинг бир ставка бош ҳисобчи вазифаси юклатилган, 2020 йил 26 февралдаги буйруққа асосан бир ставка бош ҳисобчи лавозимига ўтказилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 декабрдаги кўрсатма хати асосида клиника фаолиятида ўтказилган текширишда бир қатор камчиликлар аниқланганлиги важи билан клиника ва М.Дониева ўртасида тузилган меҳнат шартномаси 2020 йил 24 декабрдаги 711-сонли буйруққа биноан Меҳнат кодексининг 106-моддаси, 4-бандига асосан 2020 йилнинг 25 декабрдан бекор қилинган.

Меҳнат кодексининг 101-моддасига кўра, ҳамда клиника жамоа шартномасига мувофиқ, иш бевуқлигини ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишда, албатта, қасаба уюшмасининг розилиги талаб этилиши кўрсатиб қўйилган бўлса-да, аммо ушбу талабга амал қилинмаган.

Бундан ташқари, фуқаро М.Дониева оиланинг ёлғиз боқувчиси эканлиги, уч нафар вояга етмаган фарзандининг энг кичиги 3 ёшга тўлмаганлиги маълум бўлди.

Меҳнат кодексининг 237-моддасига кўра, хомилдор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бора аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш бевуқлигини ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, қорхонанинг бутунлай тугатилиш ҳоллари бундан мустасно.

18 йилдан буён давлат ташкилотларида ҳисобчи ва бош ҳисобчи лавозимларида фаолият юритиб келаётган М.Дониеванинг манфаатини кўзлаб шаҳар адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улдуғбек туманлараро судига киритилган даъво аризаси судга кўрилиб, 2020 йил 24 декабрдаги буйруқ ноконунийлиги учун бекор қилинди ва М.Дониева аввалги лавозимига тикланиб, унга мажбурий прогул учун ўртacha иш хақи ва етказилган маънавий зарар суммаси ундириб берилди.

Шерзод ШАРИПОВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
масъул ходими

ЯНГИБОЗОР туман адлия бўлими томонидан “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси туман филиали собиқ ишчи ходимларини Д.Ўразбаев, А.Хажнибаевларнинг ишталар қисқартirilishi муносабати билан 2020 йил 30 сентябрь кундан ишдан бўшаганликлари ва меҳнат органидан иш қидираётган шахс сифатида, рўйхатдан ўтганликларини бидириб, ҳозирги кунгача ишдан бўшаганини нафақаси ва қўшимча қафолатлар бўйича моддий мадад пули берилмаганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати кўриб чиқилди.

**Ҳам ишсиз, ҳам нафақасиз қолган ходимлар
МУРОЖААТИ ЎРГАНИЛДИ**

Маълум бўлишича, иш бевуқлиги томонидан Меҳнат кодексининг 102-моддаси тартибида ходимларга огоҳлантириш хати берилиб, улар билан тузилган меҳнат шартномаси мазкур Кодекснинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига мувофиқ бекор қилинган. Мазкур филиалнинг ҳисобчиси зиммасига эса, тегишли тўловларни амалга ошириш юклатилган.

Бироқ меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинган филиалнинг собиқ ишчи ходимлари Д.Ўразбаев, А.Хажнибаевларга Меҳнат кодексининг 109-моддаси тартибида ишдан бўшагани нафақаси ҳамда 67-моддаси тартибида ишдан бўшатирилгандан кейин иккинчи, учинчи ойлар учун берилиши лозим бўлган моддий мадад пулини тўлаб бериш чоралари кўрилмаган.



Янгибозор туман адлия бўлими томонидан “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси Хоразм вилояти филиали бошлиғи номига тақдимнома киритилиши натижасида юқоридаги қонунбузилиш ҳолатлари бартароф этилиб, ходимларнинг 11 миллион 800 минг 821 сўмлик моддий мадад пули тўлаб берилиши таъминланди.

Дониёр БЕКЧАНОВ,
Янгибозор туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИГА УСТАМА ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

НАВБАҲОР туман адлия бўлими томонидан тумандаги 41 та маҳалла фуқаролар йиғинида Президентимизнинг 2018 йил 18 февралдаги “Жамиятда жимийлик-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўзлаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон ижроси мониторинг қилинди. Мониторинг давомида мазкур Фармоннинг 28-бандига асосан 2020 йил 1 июлдан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг иш хақи ва лавозим маошига нисбатан 30 фоиз қўшимча махсус устама тўлаш харажатлари белгиланган бўлишига қарамастан, тумандаги маҳалла ходимларига ушбу тўловлар тўланмай келингани аниқланди.

Мазкур қонунбузилишнинг бартароф этиш юзасидан туман маҳалла ва оилани кўзлаб-қувватлаш бўлимига тақдимнома киритилиб, жорий йилнинг март ойидан бошлаб ходимларга тўланиши керак бўлган тўловлар амалга оширилди ва 36 миллион 635 минг сўм тўлаб берилди.

Нурали ИСРОИЛОВ,
Навбахор туман адлия бўлими бошлиғи

**Ходим пенсия ёшини ишдан бўшаш тўғрисидаги
буйруқ билан қарши олиши керакми?**

Аниқланганича, 2014 йилдан буён Республика шоялиқ тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида ҳамшира лавозимига ишлаб келган П.Бобожонова филиал директорининг 2021 йил 9 январдаги буйруғига асосан пенсия ёшига тўлганлигини рўқач қилиб, сабабсиз ишдан бўшатирилган. Ваҳоланки, Президентимизнинг 2018 йил 7 мартдаги “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари қафолатларини янада қучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини кўзлаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”-

ги Қарорида хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қафолатларини қучайтириш мақсадида аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вуқудга келганлиги сабабли улар билан тузилган ноумуайян муқдатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муқдатли меҳнат шартномасининг муқдатли тугагунга қадар иш бевуқлигини ташаббусига кўра бекор қилиш таққикланиши белгиланган. Ҳатто, Патила опа мазкур буйруққа имзо ҳам

қўймаган. Шу боис, вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан филиал директорининг юқоридаги буйруғи бекор қилиниб, ҳамшира аёл ишга тикланди. Шунингдек, 2013 йилдан буён Риштон туман маданият бўлимига раҳбарлик қилган Турдимат Алимов 2020 йил 2 декабрь куни 60 ёшга тўлганлиги муносабати билан бўлим мудирининг 2021 йил 4 январдаги буйруғига биноан лавозимдан озод этилган. Айни буйруқда Т.Алимовга бир ойлик иш хақи миқдоридан ишдан

бўшатиш нафақаси тўланиши белгиланган бўлса-да, мазкур тўлов амалга оширилмаган. Мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартароф этиш юзасидан Фарғона вилоят маданият бошқармасига тақдимнома киритилиб, фуқаро Т.Алимовга 4 миллион 46 минг сўмлик ишдан бўшаш нафақаси ҳамда компенсация пули тўланиши таъминланди. Қонунбузилишга йўл қўйган айбдор ходимлар интизомий жазага тортилди.

Шукржон ХОЛМАТОВ,
Фарғона вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

ФАРҒОНА тумани, “Оқтом” маҳалласида яшовчи Патила Бобожонова ҳамда Риштон тумани, “Тўраобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Турдимат Алимовларнинг мурожаати Фарғона вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганилди. Ўрганиш мобайнида ҳар иккала ходимнинг меҳнат ва пенсияга оид ҳуқуқлари бузилганлиги аён бўлди.

МАЪЛУМКИ, азал-азалдан йўллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлаган. Қолаверса, йўллар ўша ҳудуддаги ободликнинг ҳам энг ёрқин кўринишидир.

Шу маънода айтганда, сўнги пайтларда Самарқанд ва вилоят йўллари кунсайин кўзни қуватиб, замонавий қиёфа касб этиб бораётир.

Айниқса, вилоят йўлсозлари га ландшафт архитектурасига мос услуб жуда қўл келмоқда. Негаки, Самарқанд халқаро туризм ва сайёҳликнинг энг қайноқ ўчоқларидан эканлигини, қолаверса, халқаро магистрал йўллар кесишмасида жойлашганини яхши биламиз. Бошқача айтганда, Самарқанд Ўзбекистоннинг жануби-ғарбий чегара ҳудудларидаги мамлакатлар билан транзит алоқаларни боғлайди ва мустаҳкамлайди. Эътироф этиш керак, шаҳарда Россия йўлсозлари билан ҳамкорликда автобус йўналишларига хос ва мос қуриш лойиҳаси асосида иш бошланган. Шу билан бирга, жаҳон стандартларига мос кўприклар ҳамда ерости йўллари бунёд этилаётти. Велойўлаклар ва пиёда йўлакларининг ҳам ўзига хос структураси амалга ошмоқда. Бу эса, ўз-ўзидан Самарқанд ҳам йўлсозлик борасида мутахассис тайёрлаш, малака тоифалари талабига мос меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Бўстонсарой ва Рўдакий кўчалари кесишмасидаги ерости йўли ва унинг устидан ўтадиган аэропорт йўли бетакор йўлсозлик маданиятининг ютуқларини ўзида акс этган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, Мотрит сизидан ўтадиган катта магистрал йўл Имом Бухорий мажмуасига борадиган асосий йўл ҳисобланади. Шу йўлнинг Қорадарёгача бўлган қисми мисли қўрилмаган даражада кенгайтирилган ва обод этилмоқда.

Бу қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ўзимизнинг мутахассислар, йўл техник муҳандислари ҳамда архитекторлар томонидан амалга оширилмоқда.

— Бугун мамлакатимизда дунё йўлсозларининг тажрибалари ўрганилиб, бевосита ишлаб чиқаришга татбиқ этилмоқда. Чунки юртимизга келаётган хорижий меҳмонлар, — инвесторлар ва тadbиркорлар, сайёҳлар оқими кўпаймоқда. Ҳар бир ташриф буюрувчи йўлсозлик маданиятимизга эътибор бериши шубҳасиз, — дейди Самарқанд вилояти автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Қахрамон Ҳасанов.

Айни пайтда вилоятимизда жами 21 минг 901 километр автомобиль йўли мавжуд. Шундан,

ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА БОҒЛАЁТГАН ЙЎЛЛАР



Қахрамон ҲАСАНОВ,
Самарқанд вилояти
Автомобиль йўллари
бошқармаси бошлиғи

385 километри халқаро, 979 километри давлат ва 2 минг 733 километри маҳаллий аҳамиятдаги йўллари ташкил қилади. Ички хўжалик йўллари эса 17 минг 804 километрдан иборат.

Бошқарма бошлиғининг таъкидлашича, жорий йилнинг дастлабки чорағида Пахтачи ва Булунғур туманлари марказларига олиб борувчи автомобиль йўлларига асфальт ётқизилган. Шунинг баробарида, «маҳаллабай» ишлаш тамойили асосида Булунғур туманининг «Хўжамазгил» қишлоғи, Ургут туманининг «Сойғус» ва «Қолдивожан» қишлоқлари ҳамда Челақ шаҳри, Самарқанд шаҳрининг «Ёшлик» маҳалласидаги ички йўллар тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари, бир неча йиллардан буён аҳолининг норозилигига сабаб бўлган Пайариқ ва Оқдарё туманларини боғловчи «Човка» қишлоғида кўприк қуриш бошланди. Нарпай туманининг «Моркент» қишлоғи ва Самарқанд шаҳрига киришдаги «Мотрит» кўчасидаги авария

ҳолатига келиб қолган кўприклар ҳам қайта қурилди. Вилоят ҳудудидаги 342 километр ҳажмдаги таъмирталаб йўлларга ҳашар йўли билан шағал ётқизилди. Инвестиция дастурлари доирасида умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 72 километри таъмирланди, битта кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда. Шаҳардан Имом ал-Бухорий мажмуасигача борадиган автомобиль ва пиёдалар, велойўлаклар қурилиши ҳам давом этмоқда. Қорадарё ҳамда Оқдарё дарёлари узра янги кўприк қурилмоқда.

Бундан ташқари, Оқдарё ва Иштихон туманлари марказларида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани ҳолда Нуробод туманининг «Тим» қишлоғидаги автомобиль йўлига асфальт ётқизилмоқда.

— «Обод қишлоқ» ва «обод маҳалла» дастурлари доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 72 та иншоотда 385 километрлик автомобиль йўлини қуриш-таъмирлаш ишлари,

■ Айни пайтда вилоятимизда жами **21 минг 901 километр** автомобиль йўли мавжуд.

■ Шундан, **385 километри** халқаро,

■ **979 километри** давлат

■ **2 минг 733 километри** маҳаллий аҳамиятдаги йўллари ташкил қилади.

■ Ички хўжалик йўллари эса **17 минг 804 километр**дан иборат.



шаҳар ва туманларда эса ички автомобиль йўллари ва биттадан кўприкни таъмирлашни режалаштирганмиз, — дея сўзини давом эттиради Қ.Ҳасанов. — Мухтарам Президентимизнинг вилоятимизга ташрифи чоғида берган топшириғига асосан Самарқанд шаҳридаги 27 та иншоотда йил охиригача қарийб 87 километрлик автомобиль йўли ҳамда 4 та кўприк ва йўл ўтказгичлари қурилади. Вилоятимизнинг тарихий ҳудудларида — Сиеб ва Богшамол темирйўл ҳудудларидаги ички ва асосий йўллар тўлиқ таъмирланиб, сайёҳлар ва меҳмонлар учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

— Мен вилоятнинг энг чекка ҳудуди бўлган Нуробод туманининг «Қарнаб ота» қишлоғида яшайман. Туман марказига элтадиган йўл-кў ўз йўлида, ҳатто қишлоқ ва маҳалламиз кўчаларига ҳам асфальт ётқизил-

ганлиги етти уҳлаб тушимизга ҳам қирмаган эди. Бунинг учун Ўртбошимизга минг раҳмат. Пойтахтда туриб энг чекка қишлоқларда яшовчи фуқароларнинг ҳам габини ейти. Кам бўлмасин, муборак Рамазон кунларида биз нурунийлар хар қуни у кишини дуо қиламиз, — дея мамнунлигини изҳор қилади 80 ёшли Абдуҳаким ота Ҳасанов.

Дарҳақиқат, бугун йўллари миз равон, одамларнинг кайфияти аъло. Зеро, йўл қурган етар муродга, дейди халқимиз.

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» муҳбири

ЭЪЛОНЛАР

«Нотариал тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15⁻моддаси ҳамда Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2 апрелдаги 6-сон йилгиш қарорига асосан Чироқчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шоймардонов Аббосжон Турғун ўлига (лицензия KS 0015, 24.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилишини тўғрисида маъмурий судга ариза киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу сабабли, «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида»ги низоимнинг (рўйхат рақами 3250, 2020 йил 26 июнь) 29-бандига асосан Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 2 апрелдаги 131-ум-сон буйруғига асосан Чироқчи туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шоймардонов Аббосжон Турғун ўлига (лицензия KS 0015, 24.04.2020 й.) берилган хусусий нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши жорий йилнинг 2 апрель кунидан суднинг қарори қонуний кучга киргунга қадар, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тўхтатилади.

Адвокатлар палатаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясининг 2021 йил 27 мартдаги қарорига асосан вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 апрелдаги буйруғига асосан адвокат Акқузиёва Ойзода Жаҳонгировага 2018 йил 28 декабрда берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи KS 000067-реестр рақамли лицензиянинг амал қилиши 3 ой муддатга, яъни 2021 йил 27 мартдан — 2021 йил 27 июнга қадар тўхтатилади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси томонидан «Адвокатура тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикасининг Қонунига асосан, бошқарманинг 2021 йил 31 мартдаги буйруғига асосан Самарқанд шаҳар «SAM-AVANGARD-LEGAL» адвокатлик фирмаси адвокати Гиясов Хамза Музафаровичга 2018 йил 24 декабрь кунин берилган SA 000104-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва унинг адвокатлик мақоми тўғрисида.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 5 апрелдаги буйруғига асосан адвокат Бўлуев Жаҳонгир Исқандаровичга 2018 йил 28 декабрь кунин вилоят адлия бошқармаси томонидан

берилган KS 000143-реестр рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси ҳамда адвокатлик мақоми адвокатлик фаолияти билан бирга олиб бориб бўлмайдиган доимий лавозимга тайинланган иш даврига қадар тўхтатилади.

Жиззах вилоят адлия бошқармасининг 2021 йил 12 апрелдаги 6-А-сонли буйруғига асосан «Малакали ҳимоя» адвокатлик ҳайъати адвокати Қобилов Олим Очиловичга 2019 йил 13 мартда берилган GZ 000115-сонли лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2021 йилнинг 12 апрелдан 3 ой муддатга тўхтатилади.